

НУШУҚ

Апрел

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Y	7	14	21	28	

2002

10-aprel,
chorshanba
16

(227)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

● СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ҲАВАЛА

«БИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!»

«Биз озодликка қон тўқмасдан эришдик, — деган эди Президентимиз Ислам Каримов Олий Кенгашининг 1992 йил июль ойида бўлиб ўтган X сессиясида қилган маърузасида.

— Аммо бу — ҳақиқий мустақиллик курашисиз ва меҳнатсиз қўлга киритилди, дегани эмас. Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам зарур».

Дарҳақиқат биз озод ва эркин яшашга ҳақлигимизни, ўз гоёямизни оғишмай амалга ошира олишга муносиб миллат эканлигимизни ўтган ўн йил давомида амалда исботладик.

Ўтган ҳафта бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қақирик саккизинчи сессиясида мустақил Ўзбекистон давлати ўзининг демократик таъзимига эга бўлган ислохотларнинг янги саҳифасини очди: ўн йил олдин бошланган сиёсий ислохотлар янги босқичга кўтарилди.

Президентимиз Ислам Каримов маъруза сессияда қилган маърузасида асосий эътиборни жорий йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг моҳияти ва аҳамиятини очиб, галдаги вазифалар ҳамда хулосаларни асослаб берди.

Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, ўта марказлашган сиёсий ва иқтисодий, бюрократик тизимдан очик демократик давлат тизимини барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойилларини ҳаётга татбиқ қилиш ўз-ўзидан юз бермайди. Биз ўн йил давомида шундай мураккаб йўлни босиб ўтиб, демократик ислохотларнинг янги тамойилларини жамият ҳаётига жорий қилишга киришдик. Зеро йўлбошчимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «**Биз ўзимизни интилан фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган маррага етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда».**

Хўш, ўтган референдум натижалари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларни олиб

қелади? Албатта, шу сингари саволлар ўзини шу Ватан фарзанди деб билган ҳар бир инсон қалбида туғилиши табиий. Маълумки, Олий Мажлисининг бўлиб ўтган маъруза сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи навбатда, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига асосланган уч ҳокимиятдан бири бўлмиш Олий Мажлисининг таркибини ўзгартиради, иккинчидан эса, Ўзбекистон Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш асосларини белгилаб беради. Чунончи, Конституциявий қонунга мувофиқ қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис қуйи палата — Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат деб аталадиган юқори палатага бўлинади. Бир сўз билан айтганда, маъруза сессиясида қилган референдум натижаларини ҳужжат сифатида муҳраб беради.

Яна шуни айтиш жоизки, Конституциявий қонунда келгуси қақирик Олий Мажлисининг янги таркиби, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уларнинг қонун қабул қилиш жараёнидаги ўзаро алоқалари ва муносабати, шунингдек, палаталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ҳамда уларнинг ваколатлари мuddатини белгилаш принциплари ўз ифодасини топади.

Қонун лойиҳасида сайловлар ушбу органларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи яқшанбаси қилиб белгилаб қўйилишини сиёсий ҳаётимизда муҳим янгиликлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Чунки сайловлар кунининг аниқ сана билан белгилаб қўйилиши, Президентимиз таъкидлаганидек, сайловлар жараёнида юз бериши мумкин бўлган ўзбошимчиликларнинг, кимдир бу мuddатларнинг ўз манфаати йўлида ишлатилиши олдини олади. Шу билан бирга, ҳалқимизнинг сиёсий ҳаётдаги бу муҳим тadbирнинг маълум тартиби ўрнатилиши бир томондан, фуқароларимизнинг ташаббускорлиги, сиёсий маданиятининг ошишига, шахс сифатида шаклланишига хизмат қилса, иккинчи томондан, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Демак, айтиш мумкинки, референдум натижалари, биринчи навбатда давлатимизда шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган қонун ижодкорлигининг жаҳон андозаларига мос, демократик тамойилларга хос тартибини ўрнатади. Қуйи палата — Қонунчилик палатасининг вужудга келиши билан қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётига ҳамроҳлиги таъминланади. Шунингдек, XXI асрда ҳам жаҳон ҳамжамияти олдида муаммо бўлиб турган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашнинг барқарор ҳуқуқий ҳужжатлари юртимизда ривож топишига олиб келади.

Албатта, биз юқорида зикр этган референдум натижалари тўғрисидаги мулоҳазаларимиз, Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаган жиҳатларнинг айримлари ҳолос. Аввало Юртбошимиз эътироф этганларидек, «**Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб келдик. Ягона Ватанимизнинг раванқи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимизда»** эканлигини ҳар биримиз ҳис қилиб, энди давлатимиз ўн йил олдинги беқарор давлат эмас, балки қудратли, жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи, ўз ўрнига эга давлат эканлигини барчамиз бирдек англаб, «**Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!**» деб, Ватанимиз тараққиёти йўлида ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Ҳайламанки, шундагина Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қақирик саккизинчи сессиясида ўртага ташланган принциплар жамиятимизда ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз ўрнини топади.

Баҳриддин ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари



КЕЧА БУЮҚ ДАВЛАТ АРБОБИ, УЛУФ САРКАРДА БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 666 ЙИЛЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ГАЗЕТАМИЗНИНГ 4-5-САҲИФАЛАРИДА СОҲИБКИРОН ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИДАН ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ЧОП ЭТИЛМОҚДА.

Моҳият

Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдир.

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ

Чоршанбадан Чоршанбагача

4 апрель
Тошкентда иккинчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз иштини бошлади. Парламент сессиясида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

5 апрель
Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз иштини якунлади.

Президент Ислам Каримов Оксаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанин Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбахер раҳбарлигидаги конгрессменлар делегациясини қабул қилди.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Яқинда Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Куролли Кучларида ҳарбий интизом ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тугатиш ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ийгилишда Республика Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, қўшинлар, ҳарбий округ, қисм ва муассасаларда тарбиявий ишлар учун масъул офицерлар иштирок этди.

Кун тартибидеги масала юзасидан Республика Ҳарбий прокуратурининг биринчи ўринбосари Ш.Узоқов, Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М.Ахмедовларнинг маърузалари тингланди.

Ҳарбий адлия идоралари қўмондонликлар билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва муассасаларда интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва қўшин қўмондонликларининг Ҳарбий прокуратура органлари киритган ҳужжатлар муҳокамасига ва уларда кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф этиш масаласига жиддий эътибор берганликлари ҳам бу ўринда муҳим омил бўлган.

Айни вақтда бир қатор ҳарбий қисм ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф қилиш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Ийгилишда Куролли Кучларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ва бу йўналишларда ҳарбий қўмондонлик ва прокуратура органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасининг мутбуот гуруҳи

« — Биз таксисаройда 15-20 йилдан буён ишлаймиз, — деб бошланади фарғоналик бир гурӯҳ ҳайдовчиларнинг «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятига йўллаган шикоят. — 1994 йил Автомобиль транспорти вазирлигининг буйруғи билан «Доган» (Туркияда ишлаб чиқарилган) русумли такси машиналари ҳайдовчиларга ижарага берилди бошланди. Ижара шартномасида шартнома 5 йил муддатга тузилди, ушбу муддатдан сўнг ҳайдовчилар машиналарни сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бироқ бир йил ўтмай, гараж маъмурияти шартномаларни қонунга хилоф равишда бекор қилди. 2000 йил 1 январдан яна ижара шартномаси тузилиб, унга машиналарни сотмаслик шартни киритилди. 1999 йилда вазирликнинг машиналарни сотиб, ўрнига бошқа машиналар харид қилиш тўғрисида буйруғи чиққан. Бироқ бизнинг саражда бу буйруқ ҳам бажарилмади. 1994 йилги шартнома бўйича бошқа виллоятларда «Доган» машиналари 1999-2000 йилларда ижарачи ҳайдовчиларга сотилган. Тахририятга шикоят йўллаганимиздан мақсад — бизга 1994 йилда тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқимизни тиклаш борасида амалий ёрдам олишдир».

● ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

ЁППАСИГА БЕКОР ҚИЛИНГАН ШАРТНОМАЛАР

ЎНЛАБ ИЖАРАЧИЛАРНИНГ МАНФААТИГА ПУТУР ЕТКАЗДИ

Ушбу аризага «Фарғона такси саройи» акциядорлик жамиятининг 8 нафар, «Марғилон такси саройи» акциядорлик жамиятининг 2 нафар ҳайдовчиси имзо чекишган. Шикоятга ўша пайтда иккала такси саройидан «Доган» автомобилларини ижарага олган барча ҳайдовчилар имзо чекишлари мумкин эди. Бироқ уларнинг кўпчилиги қорхона раҳбарлари билан ҳуқуқларини талашиб-тортишиб, бирон натижага эриша олишмагач, шиддан бўшаб кетишган. Улардан бири дилидагини дангал айтди-қўйди: «Бошлиқнинг айтгани айтган. Қонунга тўғри келадими-тўғри келмайди-ми, унинг буйруғи бажарилади. Ҳақингни талашсанг, «ёзувчи» деб аққалаб, бир чеккага суриб қўйишади».

Мана, сизга алданган одамнинг аччиқ ҳақиқати. Алданганининг боиси, «Доган» машинасини ижарага олиш ташаббуси ундан чикмаган эди. 1993 йили «Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси раҳбарияти айнан ана шу русумдаги машиналарни таксисаройларнинг ҳайдовчиларига сотиб олиш шартни билан ижарага бериш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритган. Вазирлар Маҳкамаси таклифни муҳокама қилиб, машиналарни сотиб олиш шартни билан ижарага беришни маъқуллади. Кўриниб турибдики, бу ишнинг ташаббускори оддий ҳайдовчилар эмас, корпорация раҳбарияти бўлган.

«Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси», 5.07.93 йил №06/4-302. Бирлашмаларнинг бошлиқлари, концернларнинг раисларига.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзавтотранс» корпорациясининг «Доган» энгил автомобилларини 5 йил муддатга, муддат тугагач такси ҳайдовчиларига сотиш ҳуқуқи билан ижарага бериш тўғрисидаги таклифига розилик билдирди. (1993 йил 17 июнь кунги 15/46-61 сонли резолюция).

Шартномаларни тузишда корпорациянинг 5.01.93 йилги №4, 1.02.93 йилги №41, 5.04.93 йилги №200 буйруқлари ва

30.06.1993 йилги № 275 тавсияномаларига қатъий амал қилишини талаб қиламан. Юқоридан кўрсатилган буйруқлар доирасидан четга чиқиб тузилган шартномалар корпорацияда рўйхатдан ўтказилмайд.

Илова: шартнома лойиҳаси 5 варакда.

Раис Л.Аҳметов.

Корпорация мутахассислари ва ҳуқуқшуносларининг «Ижара шартномаси тўғрисида»-ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тузиб, виллоят, шаҳар ва туманлардаги такси саройларига етказган шартномалар лойиҳаси бенуқсон ва мукамал эди. «Фарғона такси саройи» ва «Марғилон такси саройи» акциядорлик жамиятларининг «Доган» автомобилларида йўловчи ташиб юрган ҳайдовчилари раҳбариятнинг машинани сотиб олиш шартни билан ижарага олиш таклифига турлича муносабатда бўлишди. Кимдир етти ўлчаб бир кесишни маъқул кўрди. «Бензинни ҳам, эҳтиёт қисмларни ҳам ўзим сотиб олсам, таъмирлашга пул тўласам, ижара ҳақиям такси режасидек бўлса» деб иккиланди. Охир-оқибат машина хусусий бўлиб қолиши, шахсий таксидеги қира қилиб юриш жозибаси устун келиб, арқонин узун ташлаганлар ҳам ижара шартномасига имзо чекишиб, нотариал идорада тасдиқлатишди.

1994 йил бошида «Фарғона такси саройида» 17 та, «Марғилон такси саройида» 12 та «Доган» машиналари ижарачиларга топширилди.

У пайтларда «Дамас» ва «Тико»лар такси бекатларини, кўчаларни тўлдирмаган, йўловчи ташвиш рақобати ҳозиргидай кучаймаган эди. Ижарачилар шартнома мажбуриятларини бекаму-кўст адо этишар, ижара ҳақини белгиланган муддатларда тўлаб боришарди. Машина ўзимга қолади, деган умидда уларни асраб-авайлашарди. Эҳтиёт қисмларини эса Тошкентдан топиб келишарди.

«Мен 1977 йилдан «Фарғона такси саройи»да ҳайдовчи бўлиб ишлайман, — деб ёздаи тушунтириш хатида Жўрабой Имомназаров. — 1993 йили «Доган» русумли, давлат номери 71-08 ФЕА бўлган машинани бошқара бошладим. 1994 йил 16 февралдан бошлаб 5 йилдан сўнг сотиб олиш шартни билан ижара бўйича

ишлаб бошладим. Шартномани давлат нотариал идорасида тасдиқлатиб олдим. Ноябрь ойининг бошларида гараж маъмурияти шартномани бузиб, машинани гаражга вақтинча қайтарди. 1995 йил январда яна ижарага ишга чиқарди. 1995 йил 1 апрелда яна гаражга қайтарди. 1999 йил 16 февралда 5 йиллик шартномам тугади, лекин машинани менга сотишмади. Шартнома муддати тугаганидан кейин раҳбариятга мурожаат қилдим. Лекин улар вазирликнинг буйруғи бекор бўлган, деб алдаб қилишди...»

Раҳбарият алдамаган эди. «Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси раиси Л.Аҳметов 1994 йил 4 октябрдаги 428-сонли буйруғи билан ўзининг 1993 йил 5 июлдаги 06/4-302 сонли «Доган» русумли энгил автомобилларини сотиб олиш шартни билан ижарага бериш тўғрисидаги кўрсатмасини бекор қилган эди. Ана шу буйруққа асосан барча виллоятлар, шу жумладан, Фарғона ва Марғилон шаҳар такси саройлари маъмуриятлари ижара шартномаларини қонунга хилоф равишда, бир томонлама бекор қилишга мажбур бўлишди.

— Эшитишимизча, ўшанда тошкентлик бир ижарачи ҳайдовчи «Доган»ни авария қилган экан. Тошкент шахрида текшириб қўришганда, уларнинг айримлари яп-янги «Доган»ларнинг оёгини кўтариб қўйиб, ўзларининг шахсий машиналарида қиракашлик қилиб туришган экан. Битта-иккита ижарачи шартномани бузган бўлса, ёппасига шартномаларни бекор қилишга асос бўладими? — дейди «Фарғона такси саройи» хиссадорлик жамияти ҳайдовчиси, ижарачилардан бири Исроилжон Асқаров.

Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамасида 1994 йил 2 октябрь куни Тошкент шаҳар йўловчи ташвиш транспорти бирлашмасидаги бир қатор камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари муҳокама қилинади. Ушбу муҳокама баённомасига асосланиб, «Ўзавтотранс» корпорациясидаги амалдорларнинг «ташаббуси» билан «Доган» русумли машиналар ижарасига оид шартномаларни ёппасига бекор қилиш тўғрисида 428-сонли буйруқ чиқарилиди. Ушбу буйруқ қонунийлиги-йўқли деган савол тугилади. «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида «Томонларнинг ихтиёрлиги ва тўла тенг ҳуқуқлилик асосида маълум муддатга

тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади» деб кўрсатилган. Корпорация раисининг буйруғи билан шартнома асоссиз, бир томонлама бекор қилинса, тенг ҳуқуқлилик қаёқда қолади? Ҳайдовчилар корпорация раиси билан эмас, такси саройи бошқаруви билан шартнома тузилган-ку! Қонуннинг 15-моддасида: «Ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин, ер ва бошқа табиий ресурслар бундан мустасно» деб аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Демак, «Доган» машинасини сотиб олиш шартни билан ижарага бериш тўғрисидаги шартномалар қонуний тузилган.

Мазкур қонуннинг 19-моддасида эса «Сотиб олиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шу жумладан, шартномани бир томонлама ўзгартириллик ва бекор қилганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва сотиб олиш шартномасида белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўлади» — деб кўрсатилган. Демак, 428-буйруқ нафақат ушбу қонунга балки корпорациянинг ўзи тайёрлаб такси саройларига етказиб берган ижара шартномасининг шартларига ҳам хилофдир. Шартномада фақат қуйидаги ҳоллардагина ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгалиги аниқ ва равшан баён этилган:

«4.1.3. Ижарачига боғлиқ бўлган тарзда автомобилни бундан буён ишлатиш имконияти бўлмаган ҳолатларда ижара шартномаси бекор қилинади ва ижарага берувчи ижарачининг ишга жойлаштишига кўмаклашоди».

«4.2.2. ...агар 2 ой мобайнида ижара ҳақи тўланмаса ижарачи билан шартнома бекор қилинади».

Шунингдек, шартномада ижарачи 4 ойдан ортқ муддат касал бўлиб ишлаб олмаганда, йўл ҳаракати ва йўловчи ташвиш қоидаларига риоя қилмаган, маст ҳолда машина бошқариб ва бошқа сабабларга кўра ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган ҳолатларда шартнома бир томонлама тўхтатилиши ёзиб қўйилган. Корпорация раисининг буйруғи билан шартномани бир томонлама бекор қилишни

оқловчи сабабни аса унинг биронта бандидан излаб топма олмадик.

Ўшанда, 1994 йили октябрь ойида сотиб олиш шартни билан ижара шартномаси бекор қилинганда ҳайдовчилар 7-8 ой ишлаб ижара ҳақини тўлашганди. Майли, ижара ҳақи кундалик тушум сирасидан бўлақолсин. Бироқ шу вақт мобайнида ижарачилар ўз ҳисобларидан бензинга, эҳтиёт қисмларга, таъмирлашга сарфлаган маблағларнинг ҳисобини чиқариб, қайтарши биронта раҳбарнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ.

Ўшандан бери корпорациядан яна бир неча кўрсатмалар келиб, «ГАЗ-24» русумли автомобиллар сотиб олиш шартни билан ижарага берилди. Худди «Доган»лар каби кейин шартномалар сотиб олмадик шартни билан ўзгартирилди. «Фаргонатранс» давлат акционерлик бирлашмаси раҳбарияти бизнинг сўровимизга «Сотиб олмадик шартни тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма берганими йўқ», деб жавоб беришди. Такси саройларининг раҳбарлари эса ҳайдовчилар ва бизга юқоридан шундай кўрсатма олганларини рўқач қилишди. Таксисаройлардаги машиналарни сотиб олиш шартни билан ижарага бериш ва сотишдан тушган маблағлар ва бошқа даромадлар эвазига автомобиль паркинни янгилаб олиш мақсади кўзланган эди. Бироқ таксисаройларда «Доган»лардан ташқари ўнлаб машиналар сотилган бўлса-да, ўрнига битта-иккитадан «Тико» ёки «Дамас» машиналари олинган, холос. Буни «эски машиналар арзон гаров сотилапти, ўнтасига биттаям янги машина бермайди» деб изоҳлашмоқда. Имконият эмас, баҳона излаш оқибатида такси саройлари унда ишлаётган одамларнинг кўз ўнгида таназзулга юз тутмоқда.

Лекин бу алоҳида мавзу. Ижарачи ҳайдовчиларнинг аризасига келсак, уларнинг қонуний талаблари қондирилиши, 1994 йил февраль ойида ҳар бири билан алоҳида тузилиб, давлат нотариал идораларида тасдиқланган «Доган» такси машиналарини сотиб олиш шартни билан 5 йил муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларнинг қонунийлиги, уларнинг корпорация буйруғи билан ёппасига, бир томонлама бекор қилингани қонунга хилофлиги тан олинмиб, такси саройи хиссадорлик жамиятларининг бошқарувлари шартномаларда зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришлари, икки йил кечикиб бўлса-да, машиналарни белгиланган тартибда ижарачиларга сотишлари зарур.

Исроил ИБРОХИМОВ, «Хуқуқ» мухбири



СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

Ислоҳ Каримов:

АМИР ТЕМУР — ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

АМИР ТЕМУР аввало қудратли давлат курган. Давлат қудратли бўлмаса, бетақрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ бугунги озошлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳужжати асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

ТАРИХ бу кўхна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билди. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

АМИР ТЕМУР ўз миллати ва эл-юртнинг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У кўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр, балки келажак учун ҳам хизмат қилган.

АМИР ТЕМУР бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз ашай олмайди. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак.

БИЗНИНГ тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамма ҳамма қўл етказилган экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаятган экан, бу меросни ўрганмасликка, таърифлашмасликка, тарғиб қилмасликка ҳаққимиз йўқ.

АМИР ТЕМУР — нафақат Турон, Туркистон, Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуг даҳоларидан бирidir.

КИМКИ ўзбек номини, ўзбек миллатининг қуч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбаршарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Амир Темур салтанатидаги ташқи сиёсат ва дипломатия тўғрисидаги энг бой ва ишончли маълумотлар Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи», Клавихонинг «Темур саройига саёхатнома»си, Амир Темур ва темурийлар билан Хитой, Дашти Қипчоқ, Ҳиндистон, Рум, Миср, Генуя, Византия, Франция, Испания, Англия ва бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари ўртасидаги элчилик номалари, шахсий ёзишмалар, хотиротлар, хатлар ҳамда ҳужжатларда жамлангандир. Ҳозирги пайтда ана шу манбалар деярли барча тилларга, шу жумладан, замонавий ўзбек тилига ўғирлиб, кенг илмий-тадқиқий истеъмолга киритилган.

Япон темуршунослари — Кодзию Эноки, Тора Ханеда, Хироше Ватанабе ҳамда француз темуршуноси Люсьен Керен ўз тадқиқотларида Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати ва дипломатиясига оид манба ҳамда архив маълумотларини илмий истеъмолга кириштириб, баъзи умумлаштирувчи хулосаларни илгари сурадиларки, улар тадқиқотчилар ва ўқувчилар учун фавқулодда аҳамият касб этади.

Соҳибқирон ўз ички ва ташқи сиёсатини юритганда ислоҳ, шарият қоидаларига тўла риоя қилиш, асл туркий-мўғулий Тура, Тузуқ, Ясо ва Юсун қонунчилигидаги бош тамойиллардан бири бўлган ҳеч бир динга давлат дини мақоми беришмаслик, диний жамоаларнинг етакчи-раҳнамоларини муайян сиёсий ҳокимиятдан, давлат тузуми таркибий бўғинларидан маълум узокликда ушлаб туриш сиёсатига ўта қатъийлик, изчиллик билан амал қилди. Худди мана шу толерантлик қонуни соҳибқироннинг расмий ва норасмий мусулмон жамоалари кучлари, уларнинг етакчи раҳнамолари билан ҳам, яҳудий, исавий, буддавий, шомонийлар жамоаси вакиллари, давлат раҳбарлари билан ҳам тамойила оқилона, ўзаро фойдали ва қонун доирасидаги алоқа, элчилик муносабатларини йўлга қўй олишига, фақат ўз Ватанида эмас, балки минтақада, жаҳон ташқи сиёсатида қарийб 28 йил мобайнида муваффақиятлар қозониши учун асос бўлди.

Соҳибқирон ўзининг ташқи сиёсати ва дипломатиясида ҳам «Рости — русти» (куч — адолатда) деган тамойил, яъни қонун олдида ўз фуқароси-ю, ажнабий, мусулмону гайримусулмонларнинг тенглиги, қонуннинг устуворлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигидан самарали фойдаланиб, марказлашган салтанат қурган.

Қонуннинг устуворлиги, айниқса ихтимолй адолат, тинчлик ва суҳл асосида ташқи алоқалар, элчилик муносабатларини ўрнатishi фаровонлигининг тамал тоши эканлигини соҳибқирон яхши билган.

Демак, соҳибқирон давлати ва дипломатиясининг бош тамойили зулмни кесили, қонун устуворлигини таъминлаш, ихтимолй адолатни қарор топтиришдан иборат бўлган ва бу юксак инсонпарварона ташқи сиёсат у зот томонидан Жетё билан юзма-юз келганда ҳам, Хоразм билан мураккаб муносабатларини йўлга қўйиш асосида ҳам, Тўхтамини билан мurosасиз ва давомли оғир кураш жараёнида ҳам, айниқса Елдирий Боязид, Миср мамлакулари ҳамда Фарбий Европа давлатлари билан бўлган муносабатларида, элчилик номаларида ҳам амалда бўлган эди.

Урушларнинг олдини олиш, мажбурий жангга киришилганда эса энг кам талафот қўриш, раияту мамлакатни катта заволдан асраб қолиш Амир Темур сиёсатининг бош мақсади эди.

Султон Боязид салтанатини туга-

тиш арафасида ва ундан кейинги даврга оид соҳибқироннинг Фарбий Европа қироллари, хусусан Кастилия қироли Генри де Трастамара II (1390-1406) билан ўрнатган жуда муҳим дипломатик муносабатлари, Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413) ва бошқалар билан ёзишмаларини таҳлил этсак, Амир Темур давлати ташқи сиёсати ва дипломатиясида, халқаро сиёсий ва дипломатик мулоқотларнинг қуйидаги умуминсоний қадрият, қоидалари, қафолатлари изчил ва махсус таъкидлаб ўтилганини кўрамиз.

1. Умумий душманга қарши биргаликда курашиш тамойили. Амир Темур Кастилия қироли Генрих III га йўллаган мактубида Боязид ҳадидан ошиб, қонунларни бузгани ва подшо-ликлар орасига низо солиб, писанд қилмаганлиги учун унга қашқатқич зарба берилганини, шу аснода қўллаб на-сроний шахар ва қалъаларини овоз қил-

ли. Барча Фарбий Европа қироллари, ҳукмдорларига Темур ва Мироншоҳ но-мидан элчилар юборилиб, давлатлара-ро муносабатларни, расмий элчилик алоқаларини йўлга қўйиш ва қафолат-лаш тўғрисида фикр алмашилган. Ма-салан, Кастилия қироли Генрих III нинг Темур давлатига юборган биринчи эл-чилик хайъатига Гомес де Сотомайор ва Хернан Санчес де Паласуэлолар, иккинчи элчилик хайъатига эса Руи де Гонсалес де Клавихо бошчилик қилган бўлсалар, Амир Темурнинг жавоб элчи-лик хайъатига султониялик халқис-коп Йоханн Галонифонтисус ва Муҳам-мад Кеший етакчилик қил-ган эди. Амир Темур Франция қироли Карлга хижрий 850 йили, муҳар-рам ойининг биринчиси-да юборган номасида Султония архиепископи Йоханнинг элчилик мақо-ми, нуфузи ҳақида бир-мунча муфассал тўхталиб: «Биз у кишини Сизнинг ва бизнинг элчи деб ҳисоб-лаймиз», деб юксак ишонч билдирган эди.

5. Мамлакатлар, давлатлар ўртасида борди-келди, саёхатчи-лар, савдо-тижорат ахлининг ўзаро фойда-ли алоқаларини йўлга қўйиш тамойили. Амир Темур Франция қироли Карл VI га юборган элчи-лик номасида: «Сиз сав-догарларингизни биз то-монларга юборсангиз, токи биз аларни қизгин, барча иззатларини ўрни-

рибди: «Дунё тохирлар билан ободли-гини, салтанатнинг улугворлигини, ав-вало ўзга салтанатлар улугворлигини эътироф этиш, расмий ва гайри расмий тафовутларга қарамай, фуқаролар из-зат-икромини бажо келтириш — инсо-ний ҳуқуқ ва эркинликларга қатъий амал қилиш билан белгиланишни кўриш мумкин.

Албатта, Амир Темур давлат тузуми, ташқи сиёсати ва дипломатияси мах-сус ишлаб чиқилган. Л.Керен шу муно-сабат билан дипломатик миссиялар, элчилар ва почта хизмати учун соҳибқ-ирон давлатида ўрнатилган тартибот



АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИ

ганлигини, «барча исовийларга ўз ша-хар ва қалъаларида ҳокимиятларини топширганини» иншо этади.

2. Муаммоларни сиёсий дипло-матия йўллари ва воситалари билан ҳал қилиш тамойили. Франция қиро-ли Карл VI нинг Амир Темурга 1403 йил 15 июнда Париждан юборган элчилик номасида: «Улуг ва Олий музаффар ҳукмдор! Эътиқоди ва тиллари ўзгача, ўқинчи шох ва ҳукмдорлар ўртасида гаразсиз ва ўзаро тотув алоқалар ўрна-тилиши, бизнингча, фойдадан холи бўлмай, на қонун, на виждон ва на ҳақиқатга ҳилофдурким, илло бу ишлар тинчлик ва хотиржамликка олиб кел-гай» деган тақлифлар билдирилган эди.

3. Халқаро муносабатларни би-тимлар, шартномалар асосида тар-тибга солиш, изофа этиш ва бошқари-ш, уларни бузмаслик тамойили. Амир Темур Султония архиепископи Йо-ханн элчилиги воситасида 1402 йил ёзда Франция қироли Карл VI ва Ан-глия қироли Генрих IV номларига махсус мактублар йўллаган ва элчи 1403 йил май ойида Парижга етиб борган. Мак-тубда ҳар икки томон мамлакатлари ўртасида «эркин савдо муносабатлари олиб борилиши»ни таъминлашга кўзда тутувчи давлатлараро битим ёки шарт-нома тузиш ва қафолатлашни тақлиф этган ва тақлифни қирол мамнунат билан қабул қилган.

4. Расмий элчилик алоқаларини йўлга қўйиш ва қафолатлаш тамойи-

га қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдо-гарларимиз Сиз томонларга борсалар ва аларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсангиз. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл боссин-лар. Ахир, жаҳон тижорат ахли бирлан ободур», дейилади.

Айни мана шу элчилик мактубининг асл нусхаси билан француз шарқшуно-си Сильвестр де Соси 1822 йили Фран-ция Миллий архивда танишганда, у соҳибқироннинг машҳур уч халқали там-гасини, «Рости — русти» шиори излари-ни зўр-базўр илғаб ўқий олган.

6. Элчилик макромининг даҳлсиз-лиги тамойили. Шомий, Яздий, Ҳафиз Абури, Самарқандий ва бошқа тарихчи-лар соҳибқироннинг ҳатто энг оғир дам-ларда ҳам, элчилардан газабланган пай-тларида ҳам ўзини туга олганлиги, эл-чининг ҳаёти, шахсий даҳлсизлиги, яъни «Элчига ўлим йўқ!» таомилига изчил риоя қилиб, бошқалардан ҳам шунги талаб қилганлиги ҳақида ишончли маъ-лумотлар қолдирганлар.

7. Халқаро эътироф этилган уму-минсоний ҳуқуқ, қадрият ва бурч-ларга содиқлик тамойили. Булар ҳақида Л.Керен ва А.Саидов соҳибқи-роннинг Фарб билан дипломатик ёзи-маларини таҳлил этиб, қуйидагиларни ёзадилар: «Бу мактубларда битилган сатрлар бундан қарийб олти аср аввал ёзилганига қарамай, улардаги айрим жиҳатлар худди бугунги қўнимизнинг ўта муҳим даввати каби жаранглаб ту-

хориждаги шунга ўхшаш тартиботлар-дан кескин фарқ қилишига оид ноёб кузатиш қилган. Кастилия қироли Ге-нрих III нинг иккинчи элчилик хайъати Клавихо, Алонсо Плес, Гомес де Сала-сар етакчилигида ва соҳибқирон элчи-си Муҳаммад ал-Кеший ҳамроҳлигида Самарқандга — Амир Темур саройига йўлга чиқар эканлар, шавқатли юрт сар-ҳадларигача бемалол, ҳатто бир неча ойлаб, шоммасдан юрганлигини, со-ҳибқирон тасарруфига — тобелигига кирган худудларга ўтгач эса ўта шиддат ва шитоб билан ҳаракатланганлигини, Султония — Техрон — Нишопур оралчи-даги ана шундай шитоб билан юриш азобларини кўтара олмаган Гомес де Саласарнинг вафот этганлиги, фақат Бўхт ёнида Амударёдан ўтилганидан сўнггина элчилик хайъатининг тизлик-ни қамайтиришига ижозат берилганли-гини кўрамиз.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси тўғрисидаги таҳлил ва кузатишларимизни уяқлар эканмиз, масаланинг ҳали кам ўрганган жиҳа-ти — соҳибқироннинг Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари би-лан бўлган элчилик алоқалари, мақзур минтақа давлатларига нисбатан олиб борган ташқи сиёсати ҳам муҳим аҳами-ят касб этиши шубҳасиз.

Садриддин ХИДИРОВ,
Темуршунос олим,
ТДЮИ катта ўқитувчиси

ТАВАЛЛУДИГА 666 ЙИЛ ТЎЛДИ

СОҲИБҚИРОН ЎГИТЛАРИ

*Мен ҳам ўғит тинглаб ўсдим отамдан,
Сахийлик мақомин олдим Ҳотамдан.
Орият истадим ҳар бир одамдан —
Бир бутун бўлсин деб бу туркий олам,
Турон шавкати деб от сурдим, болам.*

*Товуснинг чиройли патиدير — ҳаёт,
Тақдирнинг бир энлик хатиدير — ҳаёт.
Иймонли яшашнинг шартидир — ҳаёт,
Умр — мангу эмас... Ёниб ўчган шаъм,
Ҳоврингдан қумғонлар қайнасин, болам.*

*Гоҳ юрак кўримни чироққа бердим,
Умримни яқини йироққа бердим.
Олис ўлкаларга — фироққа бердим —
Йўқ, ўздин кетмадим тожни кийган дам,
Ўзбекнинг ўзлиги мурувват, болам.*

*Шаҳд этдим — Кешда бир Оқсарой қолсин,
Покланган шу Ватан — пок сарой қолсин.
Бошида абадий Бахт — Ҳумой қолсин —
Регистон рангидай сержило далам,
Мерос қолдирганим сенгадир, болам.*

*Жонни фидо қилдим миллат шаъни деб,
Ҳикматга юз бурдим — гултож маъни деб.
Ўйлама, бўлганми мингта жонни деб —
Омонат жон билан музаффар, ўктам —
Миллатим жонимда асрадим, болам.*

*Турон азал мунис, муштилар ОНА,
Она ҳам, Ватан ҳам эрур ягона.
Севиб-севамоқ бахтдир — далил-девона —
Ўзи ёрқақасин яратган Эгам,
Шу ният — олтин тож ёр бўлсин, болам!!!*

Абдулла ТУРДИЕВ

ЕВРОПАДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Марказий Осиё азал-азалдан чет эллик, айниқса, европалик олимлару ёзувчиларнинг ҳаёллари банд этиб келгани сир эмас. Марказий Осиёга тааллуқли мавзуларда банд тебратган европалик олимлар, адибларнинг фақат номлари санаб чиқишнинг ўзи ҳам анчагина вақтни олган бўлар эди. Шу сабабдан олмоншунос таржимон бўлганим сабабли баъзи олмон ёзувчи ва шоирларининг Марказий Осиё, хусусан, Самарқанд, Ўзбекистон тўғрисидаги фикрларини, асарларида тилга олинган нарсаларни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Олмонларнинг даҳо шоири Йоханн Волфганг Гёте ўзининг машҳур «Мағрибу Машриқ девони»га киритилган «Зулайҳо китоби»да Зулайҳога шундай мурожаат қилади:

«Сенга хизмат қилсин Темур давлати,
Қўшини амрингга бўлсин мунтазир,
Бадахшон бахш этсин ёқутларини,
Ферузалар берсин Каспий денгизини,
Серкўёш Бухоро мева жўнатсин,
Ҳўл, қуруқ, таъмлари мисли асал, қанд.
Ва минглаб муҳаббат байтларини айтсин,
Атлас қоғозларга ёзиб Самарқанд».

Самарқанд номи мағриблиқларга ҳозирги кунларда ҳам қандайдир эртаксифат туюлади, бу сўзни эшитган немис ўқувчилари кўз ўнгида «Минг бир кеча» эртақларидаги каби сир-синаотларга тўла, афсонавий шахар жонланади. Олмон ёзувчиси Маттиаз Политикунинг «Самарқанд» романидаги ушбу мисралар бунинг яққол далилидир:

«Самарқанд, Самарқанд, Самарқанд дея
Швейрласанг бўлди, кўзингни юмиб.
Уфқда у намоён бўлади гўё,
Минорлари турар хаёлга чўмиб.
Зангори гўмбазлар ташланар кўзга,
Кўкка мачитлардан таралар зийё.
Карвонлар судралар қумли йўл узар
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанд дея...»

Таниқли олмон исломшуноси Аннемарие Шиммель хонимнинг ёзишича, ўқ илдизлари Туркистон заминидан баҳра олган буоқ алломаларимиз ал-Мотуридий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Арастудан кейин «ичкинчи муаллим» номини олган ал-Фаробий, риёзиёт фанига исми «алгоритм» сифатида кириб қолган ал-Хоразмий, Фарбда «Алфараганус» номи билан машҳур бўлган ал-Фаргоний, «Авиценна» номи билан машҳур Абу Али ибн-Сино, мавлоно Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон ал-Беруний, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий ва бошқалар фарб олимларига яхши танишдир. Аммо уларнинг ҳаёни лол қолдирадиган ишлари, яратган улшар ва чўғ асарлари буоқ соҳибқирон Амир Темурнинг номичалик машҳур эмас. Ул зотнинг кўпқиррали шахсияти фарблик тадқиқотчиларни кўп вақтлардан бери ўзига жалб этиб келмоқда. Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Буоқ Темур тарихи» асари 1582 йилда Испанияда нашр этилган, соҳибқироннинг номи бутун Европада машҳур бўлди.

1993 йилда Олмонияда «Соҳибқирон Темур» деган янги асар пайдо бўлди. Асар муаллифи жаноб Тилман Нагел Гёттинген дорилфуннинг араб тили факультетининг декан бўлиб ишлайди. «Соҳибқирон Темур» асари тўрт бўлимдан иборат бўлиб, ўрта асрлар охирида бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаш жараёнида соҳибқироннинг сиймоси очиб берилади. Ўз вақтида соҳибқирон қўлида хизматда бўлган олмон асладасининг хотиралари тасвирланган бир китоб ҳам бор. Бу китоб «Йоханнес Шилтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёхати», деб аталади. Олмон асладалари оиласидан бўлган Йоханнес Шилтбергер 16 ёшида салибчиларга қўшилиб, туркларга қарши жангга оғланади ва ярадор


бўлиб асирга тушиб қолади.

Турк султони Боязид жуда кўп асирларни ўлдиртириб юборади, аммо бақувват ва чадаст Йоханнеси биринчидан ёшлиги, аммо асосан ўта жангирилиги ўлимдан сақлаб қолади. Боязиднинг ўғилларидан бири унинг қандай жанг қилганлигини кўрганлиги сабабли, ўзига наварқар қилиб олади. Амир Темур билан Султон Боязид ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳам у ўзини кўрсатади. Берган ваъдасига содиқ қолиб, султонни охирига дақиқаларгача ҳимоя қилади. Китобда тасвирланишича, соҳибқирон аскарлари билан Султон Боязид аскарлари ўртасидаги жанг бошланишидан аввал 30000 «оқ тотор» Амир Темур томонига ўтиб кетади. Буни кўрган Боязиднинг ўғилларидан бири ўз қўл остидаги аскарларни олиб чекинади. Амир Темур қўшини Султон Боязид қароргоҳини қуюқ ўрмондек ўраб олади. Шунда Шилтбергер ўзи бошчилик қилаётган мингта ёш, чадаст аскарлар билан Султон Боязидни олиб, соҳибқирон аскарлари сафини ёриб ўтади ва Боязидга бир тепалик устида қароргоҳ ўрнатиб, ҳимоя қилиб туради. Амир Темур уни тириклай қўлга олишни буюради. Шилтбергерга яқин борган аскар омон қолмаётганлигини кўрган Амир Темурнинг мингбошқаридан бири ҳўйла ишлатади. Еввойи отларни чилвир отиб улашшининг ҳавосини олган олпита отбоқар билан бирига Шилтбергерга яқин бориб, чилвир отиб, асирга туширади. Шилтбергернинг ўз соҳибига садоқати соҳибқиронга ёқиб, натижада Йоханнес Амир Темурга хизмат қилишга рози бўлган, ўзига наварқар қилиб олади. Амир Темурнинг вафотидан кейин у Улўбекнинг отаси Шоҳруҳ, сўнгра Мироншоҳ қўлида хизматда бўлади. Ниҳоят, 33 йилдан кейин юртига қайтиб, 1436 йилда ўз китобини ёзади. «Бу қанча китоб, тарихга мо келадими?» деган саволлар тўғрилиши мумкин. Шу сабабдан мен Клавихонинг китобини, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» ва Йоханнес Шилтбергернинг китобини ўзимча таққослаб кўрдим. Рюи Гонзалес де Клавихо, маълумки, Кастилия кироли Генрих Учинчининг элчиси бўлган. Унинг китоби «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёхат кўндалиги», деб аталади, яъни Клавихо ўн беш ой давом этган сафар давомида кўрган-кечирганларини ўз китобида баён этган. Тўғри, у элчи сифатида соҳибқирон ҳузурини ўзимча таққослаб кўрдим. Рюи Гонзалес де Клавихо элчилик қилиб, саройда берилган таъминотларда иштирок этган, бироқ ҳар дақиқа Йоханнесга ўхшаб соҳибқироннинг ёнида турман, кўпгина воқеалар тасфилотини орқавордан эшитган.

Манбаларда берилишича, Ибн Арабшоҳ 1389 йилда туғилган. Соҳибқирон Дамашқни забт этганда Ибн Арабшоҳ эндигина ўн иккига кирган бола бўлган. Онаси Ибн Арабшоҳ ва унинг акасини олиб, Самарқандга жўнатилаётган қарвонга қўшилиб, пойтахтга келади. Амир Темур вафотидан кейин Ибн Арабшоҳ кўпгина мамлакатларни кезиб, 1411 йилда Адрианаполга келади. Бу ерда у турк султони, яъни Боязиднинг ўғилларидан бири бўлиши Мухаммад Биринчи ҳузурига келиб, 1421 йилгача, яъни султоннинг ўлимига қадар унинг қўлида шахсий котиб бўлиб ишлаган. Қайси султон ўз отасини мағлуб этган саркарда тўғрисида яхши гапларни гапирди, дейсиз. Менимча, Ибн Арабшоҳнинг турк султони ҳузурини хизмат даври унинг соҳибқирон тўғрисида салбий гаплар ёзишига туртки бўлган бўлса, ажабмас. Қизиқи шундаки, Ибн Арабшоҳ ҳам, Йоханнес Шилтбергер ҳам ўз асарларини 1436-1438 йилларда яратганлар.

Очилини айтганда, Шилтбергер ҳам асир бўлган, аммо у ҳалол жангда мардларча курашиб, қўлга тушиб қолган. Маълумки, соҳибқирон бундай жангчиларни жуда эъзозлаган. «Амир Темур тузуқлари»да шундай сатрлар бор: «Амр қилдимки, ганим томондан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир тушса, уни ўлдирмасинлар. Унга иктиёр берилсин. Агар наварқарлики қабул қилса, наварқар қилсинлар. Йўқ эса уни озод этсинлар».

Йўлдош ПАРДА



АЖДОДИМИЗ РУҲИНИ ШОД АЙЛАБ...

Ҳали дунёга келмаган Темур ҳақида миш-мишлар тез тарқайди. Бу хабар Ҳожи Барлосни ҳам ҳаволига солди. Тақвимларга кўра дунёга келиши кўтилаётган бу гўдак улғайиб улў саркарда бўлиши ва бутун дунёни забт этиши керак эди. 1336 йил 9 апрелда Тарагай Баҳодирнинг хонадонинда фарзанд туғилди. Чақалоқнинг йиғисини эшитиб, доя «бу соҳибқироннинг овози, умри билан берган бўлсин», деди. Ўша тунда осмонда янги юлдуз ярқиради. Соҳибқирон бахтли юлдуз остида туғилди.

Пойтахтимиз марказида савлат тўкиб турган Теурийлар тарихи Давлат музейига кириб борар эканман, Темур ҳақида тарих китобларидан ўқиган юқоридоғи лавҳани эсладим.

Теурийлар тарихи Давлат музейи 1996 йил 18 октябр кўни юртбошимиз Ислам Каримов томонидан тантанали равишда очилган. Музей иқарисининг жуда гўзал ва ёруғлиги бу ерга ташриф буюр-

ган ҳар бир кишини ҳайратда қолдиради. Гўмбаз остидаги нақш ва ганж ишлари, девордаги Теуур салтанати чизилган монументал асар киши тасавурида ўша давр муҳитини акс эттиради.

Мен аввал совгалар залига йўл олдим. Ходимларнинг айтишича, музей очилган пайтида унда 600

дан зиёд роқ экспонатлар йиғилган бўлиб, уларнинг ақсарияти санъат ва тарих музейидан олинган. Шунингдек, Теурийлар даврига оид кўп экспонатлар чет эл элчихоналари орқали бошқа юртлардан келтирилган. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшовчи юртдошларимиз музейга совға қилган экспонатлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир музейда 2000 дан кўпроқ экспонат бор. Яқин кунларда улар орасидан Амир Теуурдан кейин Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган 12 та шахзоданинг портретлари жой олиши кўтилмоқда.

Музейга ташриф буюраётганларнинг асосий қисмини ташлаб ёшлар ташкил қилади. Шунингдек,

вилоятлардан, чет эллардан келаётган меҳмонларнинг ҳам музейга қизиқиши катта. Бу йилдан бошлаб музей маъмурияти мактаблардаги битирувчи синф ўқувчилари тарих дарсларини жонли тарзда музейда ўтказишлари тизимини йўлга қўйиш режаси билан чиқди. Ушбу савий-харакатнинг самараси сифатида апрель ойидан бошлаб ўқувчилар музейда бепул жонли тарих дарсларини ўтказишмоқда. Музейда тез-тез бошланғич синф ўқувчилари учун бепул экскурсиялар ташкиллаштирилади.

Бу йил 9 апрелда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 666 йиллиги кенг нишонланди. Шу йилнинг 11 январиде «Амир Темур абадияти» мавзуйда маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Маросим Амир Темур хёбонидоғи Теуур ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш билан очилди. Музей олдида таниқли ва ёш санъаткорлар ижросида Ватанни мадҳ этувчи дилрабо куй-қўшиқлар янгради. Анжу-



Ҳорижлик меҳмонлар Теуурийлар тарихи Давлат музейида

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

● КРИМИНАЛ

«Пул ота билан боланинг орасини бузади, дейдилар. Пул берман десанг, шайтон ҳам сакраб-сакраб рақсага тушади эмиш». Шундай экан, пул олди-бердисига қиришган хом суг эмган бандларнинг аҳоли тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Айниқса, пул суммаси каттарок бўлса...

БАЖАРИЛМАГАН

«БУЖОРТМА»

Спорт устаси Жаҳонгиров Анорқул (исмлар ўзгартирилган) ўзининг собиқ устози А.Федоровдан 6100 АҚШ долларини қарз олган ва келишувга кўра 1998 йил октябр ойида қайтариб бериши керак эди. Муҳлат яқинлашгани сайин Анорқулнинг пайтавасига қурт тушиб, тинчини йўқотди, чунки у умумий сумманинг бир қисмини, яъни 1500 долларни чет эл сафари чоғида харажат қилган, қолган қисмини ота-онасига бериб қўйганда.

1998 йил августда А.Федоров Анорқулга кўнғироқ қилиб «Россияга кўчиб кетяпман, олган қарзингни тезроқ тўлаб қўйгин», дейди. Шундан кейин шайтон вазасасига угган Анорқул Федоровга пуллари қайтариб бермаслик йўллари ахтара бошлади. Бир иш билан Ангренга борганида таниши Эльмиров Хамит Вильдановични кўриб қолиб, унга кўнғирлини ёрди. Федоров деган шахс катта суммадаги пуллари қайтариб бермаётганлигини, шу сабабдан унинг «таъзини бериб қўйиш», яъни ўлдириш лозимлигини айтди. Эльмиров Ангрендаги «Намбо» бильярд клубида ўзини «Ботир» деб таништирган, шахси сўз томонидан аниқланмаган кишини топиб, агар Тошкентда яшовчи А.Федоров деган кишини ўлдириб берса 1000 доллар беришини айтади. Донишлар «Пул тилни бийрон, дастни дароз қилади», деб бежиз айтишмаган экан. Аввалига кўнмай турган Ботир долларнинг дарагини эшитиб дарҳол рози бўлади, аммо қуроли йўқлигини, уни сотиб олош учун 100 доллар лозимлигини билдиради. Эльмиров дарҳол Анорқулга кўнғироқ қилиб, ишни бажарадиган одамни топангани айтади. Эртасига келишилган вақтда Анорқул Ангренга келади ва уювлов ресторанда ўтириб, А.Федоровни ўлдириш режасини туздилар ва ролларни бўлиб олишади. Режа бўйича Эльмиров А.Федоровга кўнғироқ қилиб, «мен Анорқулнинг танишиман, ундан биров қарзим бор эди, шу пулни сизга ташлаб кетишим керак экан» деб алдаб кўчага чиқариши, А.Федоров кўчага чиққан Ботир уни отиб ўлдириши, Анорқул эса сал нарироқда машинасида уларни пойлаб туриши ҳамда иш битганидан кейин, ижрочиларни машинасида миндириб воқеа жойидан қўйиб бўлиши лозим эди. Анорқул ўша ерда Ботирга қуроли сотиб олиш учун 100 доллар берди. Уч кундан кейин Ботир қирқма милтиқ сотиб олганини хабар қилди. Эртасига соат 17-18 лар атрофида улар Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги «Москва остонаси» шохбекатида учрашиб, 22-дахдадаги А.Федоров истиқомат қиладиган уй атрофларини кўздан кечирдилар ва машина қаерда тўхтаб туриши, Ботир ва Эльмиров Федоровни қаерда кутиб олишлари, Ботир Федоровни гўмдон қилгач, барчаси Анорқулнинг машинасида қайси йўл билан шаҳардан чиқиб кетишларига батафсил келишиб олдилар.

Кеч-қурон соат ўнларда улар яна «Москва остонаси» шохбекати ёнига келдилар. Қирқма милтиқни қўйинга солиб олган Ботир 8-уй атрофидаги четан девор орқасига яширинди. Эльмиров қўл телефонидан Федоровга кўнғироқ қилиб, ўзини Анорқулнинг дўстиман, деб таништирди. Анорқулдан олган қарзини қайтармоқчи бўлганда у пулни Федоровга бериб қўйиш лозимлигини таъкидлаганини ҳамда унинг телефон рақамини берганлигини айтиб, «машинадаман, иложи бўлса «Москва остонаси» бекатига қўнғир, пулни бериб кетаман» деди ва ўзи узоқдан туриб Федоровнинг подьезддан чиқишини пойлаб турди. А.Федоров подьезддан чиқиб, уй ёнидаги йўлакдан шохбекат томонга кетаётганда Ботирга ишора қилди. Четан девор ортида турган Ботир Федоровга қарата икки марта ўқ узди ва унинг йиқилганини кўргач, Эльмиров иккаласи Анорқулнинг машинаси томон йўналдилар. Бирмунча вақтдан кейин Анорқул Эльмиров билан Ботирни Собир Рахимов метро бекатида қолдириб, ўзи уйига жўнади. Қирқма милтиқнинг отилган ва отилмаган патронларини машина юкхонасидаги темир-терсақлар орасига яшириб қўйди. «Беғуноҳдан ўлим ҳам четлаб ўтади» ёхуд «Қирқ йил қиргин бўлса, ажали етган ўлади» деган гапларда ҳам бор экан. Қарсиллаган ўқ овозини эшитган кўни-кўшилар ҳамда хизмат вазифаси билан Федоров шайдиған уй қийнадаги бошқа бир уйда текириб утказаяётган Акмал Икромов туман ИИБ Жиноят-қидирув бўлими тезкор ходими Р.Исломов А.Федоровнинг жонига ора кирдилар. Исломов кўшилар ёрдамида зудлик билан ярадорни ўзининг хизмат машинасига ётқизиб, касалхонага элди. Тез тибобий ёрдам кўрсатилгач, ўзига келган А.Федоров қандайдир бир эркак унга телефон қилиб ўзини Анорқулнинг уртоғиман деб таништирганини, Анорқулнинг қарзини тўлаб кетаман деб алдаганини, унинг телефон рақами Федоровнинг автожавобберчидаги ёзилб қолганини айтиб берди.

Тузилган тезкор-тергов гуруҳи ушбу жиноятни хамирдан қил сугургандек фош этди.

Пул ожиз банданинг кўзини кўр, ақлини занжирбанд этади экан. Кўриб турганимиздек, пул жиноятчиларнинг нафақат ақлини, балки ўзларини ҳам занжирбанд этди. Суд уларни узоқ муддатларга озоқликдан маҳрум этишга ҳукм чикарди.

У.ХУСАИНОВ,
А.Икромов туман прокурорининг
катта ёрдамчиси,
3-даражали юрист

● ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ботаётган қуёшнинг хоргин нурлари атрофни қизғиш рангага чуллаган. Майин шабада дилга сокинлик бағишлайди. Касбига кетиш учун Эски бозордаги шохбекатга келган Нарзулло, «автобуслар аллақачон кетиб бўлгандир, таксига ўтираман-да» деган хаёл билан машиналар тўхтайдиган жойга бурилди. Шу пайт олдида синфдоши Хасан чиқиб қолди. У мактабни тугатар-туғатмас орти-си билан Қаршига кўчиб келишган эди. Бир-бири билан кўпдан бўён кўришмаган икки ўртоқнинг сўхбати авжига чиқди.

— Кишлоққа қайтишим керак, — Ботир деди.
— Бугун бизникида қол. Мехмон қиламан. Барибир эртага яна келишимиз керак.

Нарзуллога ҳам бу фикр маъқул тушди.

Икки оғайни шаҳарни айланиб юриб,

*Баъзан қадрига етиб, баъзан етмаётганимиз
ҳаёт асида биз ўйлагандан ҳам кўра юқори-
роқ қадр-қийматга эга. Тириклик — ҳисмат,
тириклик — давлат. Ушбу саҳифадаги мақо-
лаларни ўқигач, бунга яна бир бор амин бўла-
сиз. Инсон ҳаётига қилинган суиқасд дунёдаги
барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекис-
тонда ҳам энг оғир жиноятлар сирасига кири-
тилади.*

*Жиноят эса, ҳеч қачон жасосиз қолмайди.
Шоир айтганидек, «Ҳар қимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир».*

бир чойхона олдида тўхташди. У ерда оёқлашиб, битта ароқни майдалаб ту-гатгунча қоронғу анча қуюқлашиб қолди. Шиша ичида жим турган шайтон ичига кирган галаён қила бошлади. Кеч бўлиб қолганига қарамай уларнинг тургиси келмас, сўхбат қизигандан-қизирди. Гапдан-гап чиқиб Нарзулло Хасанга:

— Энди, шундай юрaverасаним, тезроқ уйлан, ёшинг ҳам 25 дан ошди, — деди.

— Эй, ошна, — қўл силтади Хасан, — уйланишимиз ўзи бўладимиз ҳозир. Пул керак, пул.

— Юрсанг юрaverасан-да пул керак деб, ишла, топишга ҳаракат қил. Ҳаракатда баракат деган гаплар бор, — маслаҳат берган бўлди Нарзулло.

КЎЗА ҚУНИДА СИНАДИ

Кузнинг сўнги кунлари эди. Бахтиёр Дурдиев ҳамма қатори «Жигули»сини шаҳар савдо маркази олдидаги машиналар тўхташ майдонига қўйиб, Урганч бозорига кириб кетди.

Савдоси бароридан келиб, режалаштирган нарсаларининг ҳаммасини олди. Хуш кайфиятда машинасини қўйган жойга келди. Аммо... Не кўз билан кўрсинки, машина жойида йўқ эди. Балки бошқа жойга қўйганлигидан, ўйлади, Бахтиёр. Йўқ-е, хаёли парижанхотир эмасди-ку. Наҳотки ўғирланган бўлса? Зир югуриб машинасини излаётган йигитнинг диққатини нарироқда одамларнинг тўдаллашиб тургани тортди. Нима гаплагини билиш учун шу томонга юрди. Ё, тавба! Унинг машинаси... Нотаниш бир йигит уни «Тико» русумли автомашинага уриб, фарасини синдирибди, шунга одамлар йигитни сўроққа тутишаётган экан, Бахтиёрнинг «машина меники» деган эътирофи ҳаммани ажаблан-

ШАЙТОНГА
БЎЙСУНГАН ЮРАКЛАР

Шу гапдан кейин Хасан стулни Нарзулло томонга яқинроқ суриб ўтирди ва негадир шивирлаб гапирга бошлади:

— Менга қара, бир иш бор. Сен менга ёрдам берсанг, қўлимизга мўмайгина пул тушарди.

— Қанақа иш? Мен икки кундан кейин қомандировкага кетишим керак-ку!

— Э, икки кун эмиш, икки соатга ҳам қолмаймиз.

Нарзулло майдалаб суриштириб ўтирмади. Йўл-йўлақай Хасан шаҳарда бир уйни кўз остига олганини, унда қимматбахо буюмлар ва пуллар кўпчилиги, уларни қандай қилиб қўлга кири-тиш мумкинлигини Нарзуллога тушунтириб берди. Аввалига Нарзулло кўнмади. Хасан жон кўйдириб гапир-верган, олдинда жилва қилиб кўзини қамаштираётган ҳавойи бойликнинг сароб эканлигини унутди.

шайлашган Хасан унинг уч, кўраги ва оёқларига кетма-кет пичоқ санчди. Жон талвасасида ўлим билан олишаётган аёли тезроқ тинчтиш учун худди кўини бўғизлагандек, бўйнига пичоқ ҳам тортиб юборди. Олимжоннинг чинқирғи ва дахлиздаги тапир-тупурларни эшитиб, нариги уйда дарс тайёрлаб ўтирган Гавҳар билан Нилуфар «чиби чикшиди». Даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлган уч мурғак гўдак бурчакча тикилганча «аяхон» деб йиғлашарди.

Шунча жароҳат олса-да, бу ёвузларнинг қўлидан чиқшига ҳаракат қилаётган Мавжуда бўйнига теккан тигдан сўнг ерга юзтабн йиқилди. Унинг ўлга-ни ишонч ҳосил қилган Хасан мурданнинг устидан ҳатлаб уйга кирди-да пул ва қимматбахо буюмларни қидира бошлади. Нарзулло эса болаларни туртиб-туртиб уйга олиб кирди. «Бақирма, бақирсаларнинг сениларни ҳам сўман» дея дўқ урди ва уларнинг овози чиқмаслиги учун, ётқизиб юзларига ёстиқ ташлади. Шундан кейин у ҳам шафқатини титкилай кетди.

Инсонийлик, меҳр-шафқат деган туйғулардан беғона икки қонқўр уйдан қимматбахо буюмлар ва аначгина пуллари ўмариб, ўз қора қилмишларини ҳеч қим билмайди, деб ўйлашган эди. Аммо жиноятчилар қидирила бошлаганда икковдан икки томонга «кўён» бўлишди.

Нарзулло Турдиев уч-тўрт кун қочиб юриди, фойдаси йўқлигини билиб қайтиб келди.

Эссиз ёшлик, эссиз умр! Тогни урса талқон қиладиган икки забардаст йигит арзимас пул, мол-дунё учун учта норасидани она меҳридан жудо қилди.

Суд ҳукми билан жиноятчилар ўз қилмишига яраша жазо олдилар.

Қиссадан ҳисса шуки, нопоклик кўча-сига кирган одам чоғга қулаши тайин. Шундай экан, ҳеч қимни ҳақ йўлдан оздирмасин.

М.СУВОНОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратурасининг бўлин бошлиғи.
Х.ШИМУХАМЕДОВА,
журналист

● АНА ХОЛОС

Йўлда ички ишлар ходимлари турган экан, тўхташ ишорасини қилишди. Бунга жавобан Пулат машина тезлигини оширди. Ажабланган ички ишлар ходимлари ҳам уловларини ўт олдиришди. «Тико» Пулат Сафоевнинг уйи олдида тўхтади. Ундан тушган шофёр қўнда ётган гиштили олиб орқасидан келган машина томонга отди ва «милиция онерларни кўрагга қўзи йўқлигини» айтиб бақирди.

Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракати натижасида П.Сафоевнинг жиний ҳаракатларига чек қўйилди. Йўл ҳаракати хафсизлиги бошқармаси ходимлари Пулатнинг маст эканлигини дарров пайқашди.

Урганч шаҳар суди ҳукми билан Пулат Сафоев тегишли жазосини олди. Кўза кунда эмас, қунида синади, дейишарди. Қонунни ҳурмат қилмаган, зўравонлик орқали ҳаққатдан устун келишга уринган Пулат Сафоев ва Рўзमत Ниёзовларнинг қилмишлари бунга мисол бўла олади.

Пулат Сафоев янги йил арафасида қўншини Шухрат Машариповдан «Тико» машинасини бирпасга сўраб, хотини ва икки фарзанди билан шаҳар марказидаги байрам арчасини томоша қилишга борди.

Р.МАТҚАРИМОВА,
Урганч шаҳар прокурорининг
ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

ЯКИН ШАРҚ:

**НАТИЖАСИЗ МУЗОКАРАЛАР,
САМАРАСИЗ ТАДБИРЛАР**

ИСРОИЛ Бош вазири Ариэль Шарон ўтган ҳафта шанба, яқшанба кунлари АҚШ президенти Жорж Буш билан телефон орқали мулоқотда бўлди. Сўхбат давомида Исроил раҳбари Фаластин ҳудудларида ўтказилаётган ҳарбий ҳаракатларни тез кунларда ниҳоясига етказиш учун барча чора-тадбирларни кўраётганлигини таъкидлаган.



БУЮК БРИТАНИЯ Бош вазири билан ҳамкорликда ўтказилган матбуот анжуманида Жорж Буш Яқин Шарқ масаласида собиқ президент Билл Клинтон сиёсати хусусида тўхталар экан, «Аминманки, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлида Клинтон барча имкониятларни ишга солган. Мен ҳам бу борада барча чра-тадбирларни кўришга тайёрман», деб таъкидлаган.

ИСРОИЛ ташқи ишлар вазири Шимон Перес мамлакат ҳукумати Фаластин раҳбари Ёсир Арофатга нисбатан қўлланилган чеклашларни ўсиштириш ҳамда унинг АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашишига имконият беришини маълум қилган. Вазирининг айтишича, учрашув яқин кунлар ичида, Фаластин раҳбарининг Рамаллоҳдаги қароргоҳида бўлиб ўтади.



СУДАН қуролли кучлари раҳбарларидан бири Аҳмад Аббос ўтган шанба куни давлат телевидениеси орқали қилган чиқишида яқин кунлар ичида мамлакатда бир қанча ўқув-машқ лагерлари очилишини маълум қилган.

Лагерларга Исроилга қаршилик кўрсатаётган фаластинликлар тарафдорлари қабул қилинади. Аҳмад Аббоснинг айтишича, ўқув-машқ лагерлари очиш хусусида шахсан Судан президенти Умар Ҳасан ал-Башир буйруқ берган экан.


БУЮК БРИТАНИЯ ҳукумати ҳам АҚШнинг Исроил қўшинларини Фаластин ҳудудидан олиб чиқиш хусусидаги талабини қўллаб-қувватлаган. Лондон Исроилнинг айтишидаги ҳарбий ҳаракатларини «ғайриоддий хавфли ўйин» сифатида баҳолаган.

ИСРОИЛНИНГ Фаластин ҳудудидаги ҳаракатларини Испания томони ҳам кескин қоралаган. Мамлакат ташқи ишлар вазири Хосе Пике Исроил ҳарбий ҳаракатларини тўхтатмас экан, Европа Иттифоқи унга нисбатан санкция қўллаш масаласини кўриб чиқиши лозимлигини таъкидлаган.



БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ўтган яқшанба куни ўзининг шошилиқ мажлисини қақирди. Хавфсизлик Кенгашининг зудлик билан йиғилиш қақиршига Яқин Шарқда вазиятнинг янада кескинлашуви сабаб бўлган.

УШБУ масалага бағишлаб охири ўн кун ичида бўлиб ўтган Хавфсизлик Кенгашининг олтинчи мажлисида унда иштирок этган 15 мамлакат вакиллари Яқин Шарқ масаласида қабул қилинган унча резолюцияга ҳам томонлар амал қилмаётганиларидан афсусда эканликларини билдиришдан нарига ўтишолмаган.



НОБЕЛЬ ҚҶМИТАСИ НОРОЗИ

Норвегия Нобель мукофоти қўмитаси вакиллари Исроил ташқи ишлар вазири ва Нобель тинчлик мукофоти соҳиби Шимон Переснинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилмоқда. Қўмита чиқарган расмий баёнотда низоом бунга рухсат бермаслиги туфайли Пересни мукофотдан маҳрум қилиб бўлмастидан афсус билдирилади. Шунингдек баёнотда Фаластин ҳудудларидаги хунрезликларни тўхтатиш учун Исроил ташқи сиёсат маҳкамаси ҳеч бир иш қилмаётганлигидан норозилик билдирилади.

ЯШИРИН КРЕМАТОРИЙ

АҚШнинг Майами шаҳари полицияси яширин крематорий эгасини ҳибсга олди. Жиноятчи жасадлар мўмиёланган лабораториялардан бирига мурдаларни ноқонуний равишда етказиш билан шугулланувчи гуруҳ аъзоси бўлган. Мўмиёлаш бўйича тажрибалар тугагач, дафн маросимларини уюштирувчи бюро ходимлари бўлган жиноятчилар жасадларни ёқиб юборишган.

Крематорий биносида полиция ёқиш учун тайёрлаб қўйилган 19 жасад ва ёниб бўлган бир неча жасад қолдиқларини топган. Барча мурдалар қариндошлари томонидан таниб олинган.

**49 БОЛАНИНГ
БАҲОСИ 245.000 \$**

Гватемала полицияси жума куни Сальвадордан АҚШга кетаётган етти автобусни тўхтатиб қолди. Унда АҚШда норасмий муҳожир сифатида яшаётган ота-оналари олдига йўл олган болалар бор эди. Ҳукумат вакиллари айтишича, автобуслардаги 12 киши 49 нафар болани АҚШга етказиб бориш учун уларнинг ота-оналаридан жами 245000 доллар олган экан.

Бир ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ҳозир Гватемалада сақланмоқда. Муҳожирларнинг ҳуқуқлари учун кураш ҳаракати аъзоси Мауро Векселетти баёнот билан чиқиб, болалар ота-оналари ёнига жўнатилиши керак деган фикрини билдирди.

ОЛТИНЛАРНИ БЕЛГА ТУГИБ...

Магадан (Россия)да ҳеч қерда ишламайдиган бир фуқародан саноат йўли билан ишлаб чиқарилган 12 кг дан зиёд олтин олиб қўйилган. Вилоят ИИБ матбуот хизматининг хабарига қўра, олтинларнинг эгаси шаҳар аэропортида қўлга олинган бўлиб, 12,376 кг олтиннинг баҳоси 3 млн. рубдан ошади.

Саноат олтинини ноқонуний эгаллаш ва сақлаш факти бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов бошланган.

«ЕР - 3» ЯНА ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

Ўтган йилнинг 1 апрелида Хитой қирувчи самолёти билан тўқнашиб кетиб Жанубий Хитой денгизидagi Хайнан оролига мажбуран қўнган АҚШнинг «ЕР - 3» жосус самолёти экипажи билан 11 кун ҳибсда тургач, қисмларга ажратилиб олиб кетилган эди. Айти кунларда у қайтадан йиғилган ва бир ойдан сўн яна уча бошлайди. Бу ҳақда АҚШ ХХК матбуот котиби Боб Коул хабар берган. Техасдаги Raytheon заводида электрон жиҳозлари ангилангач, шу йилнинг май ойида самолёт флотга қайтарилади.



**ТОЗАЛАШ
ТАДБИРЛАРИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА**

ШИМОЛИЙ КАВКАЗДАГИ Бирлашган қўшинлар таркибига қирувчи десантчиларнинг яқинда Чеченистоннинг жанубий районларида амалга оширган операцияси натижасида бошқарилувчи танка қарши ракеталар, гранатомётлар, «Фугас» бомбалари, осма зенит комплексларидан иборат 50 мингдан ортиқ қурол-яроғ аниқланиб, йўқ қилинган. Шунингдек, амалиёт натижасида жангариларнинг машқ ўтказишга мўлжалланган бир қанча лагерлари ҳамда 20 дан ортиқ яширин қурол-аслаҳа омборлари топилган.

**ТРИБУНАЛ ИШНИ ДАВОМ
ЭТТИРМОҚДА**


Уч ҳафталик танаффусдан сўнг Гаагадаги халқаро трибунал собиқ Югославиянинг (маълумки, энди бу мамлакат Сербия ва Черногория деб аталади) собиқ раҳбари Милошевич ишини кўриб чиқишни давом эттирмоқда. Халқаро трибуналнинг ёпиқ эшиклар ортида ўтувчи бугунги мажлисига икки гувоҳ тақлиф этилган. Уларнинг номи ошкор қилинмаяпти. Бунча узок давом этган танаффус айбланувчининг грипп билан оғриганлиги ҳамда судьяларнинг пасха таътилига чиқиб кетганлиги билан боғлиқ.



БИР ЎҚ БИЛАН

АҚШнинг Луизиана штатидаги Литтл-Лейк шаҳри яқинида соҳил бўйлаб ўтказилган қувур тешилиши оқибатида 90 минг галлон нефть оқиб кетган. Қувур эгаси BP Amoco компанияси авария ҳақида хабар келиши билан нефть жўнатишни тўхтатган. Воқеа жойига бу каби аварияларнинг оқибатини бартараф этишга ихтисослашган Garner Environmental компаниясининг бешта махсус катери етиб келган. Айти пайтда мутахассислар соҳил бўйи минтақасини нефтдан тозалаш ишларини олиб боришмоқда. Ўтган йили октябрь ойида Дэниел Карсон Льюис деган киши Аляскадан ўтувчи қувурни ўқотар қурол билан тешгач, 286 минг галлон нефть беҳуда оқиб кетишига сабабчи бўлган ва компанияга 20 млн. доллар зарар келтирган эди. Сентябрь ойида у суд олдида жавоб беради.

● КРОССВОРД



БЎЙИГА:

1. Узум баргидан тайёрланадиган таом. 2. Шоир... Мирзо. 3. Қизлар исми. 4. Ирода, матонат. 5. Танбех. 6. Ҳашорат. 12. Республикамиздаги хорижий фирма. 13. Чет эл киноактёри. 14. Рақам. 15. Йул тури. 16. Ялков. 19. Куя дориси. 20. Шахматдаги вазият. 21. Индонезиядаги орол. 24. «Устозлар» кўшиги муаллифи. 25. Шимолий кутб. 27. Қирол шернинг ўғли. 28. Капчабоби.

ЭНИГА:

4. Ҳ.Олимжон балладаси. 7. Гўшт, чопки... 8. Чанковбосди ичимлик. 9. Ширинлик маҳсулотлари. 10. Чортоқ туманидаги қишлоқ. 11. Ёзувчи, мутафакир... 13. Касалликка қарши зардоб. 16. Жунли мато. 17. Елка. 18. Учинчи шахс кўплик ва жуналиш келишиги. 22. Бало. 23. Таом номи. 26. «Шайтанат» видеофильмидаги образ. 29. Фаргона водийсидаги шахар. 30. Улчов бирлиги. 31. Кимёвий модда. 32. Сапёр асбоби. 33. Қозоқ афандиси.

Тузувчи: К. БОҒБЕКОВ

● ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР

ТИШДАН ҚУРИЛГАН МИНОРА


Франциядаги машҳур Эйфель минорасини ким билмайди дейсиз? Минора қурилаётгандан буён унинг модели турли материаллардан ҳар хил катталиқда ишланган. Испаниялик Хуан Мерчан миноранинг яна бир антиқа моделини тайёрлади. У ўзининг қурилиши учун махсус ишланган 3 мингта сигир тишини танлади. Бундай йирик коллекцияни у дўстлари ёрдамида икки йил йиғди. Сигир тишларидан тайёрланган 1 метрлик минорага Мерчаннинг 1 йилу 3 ой вақти кетди.

ҚАЙНАГАН СУВ БИЛАН ДАВОЛАНАДИ

Швециянинг Эланд оролида яшовчи 60 ёшли Свен Игелстром ҳаётида бирон марта врачга мурожаат қилмаган. Сабаби у ҳаётида бир пиёла чой ёки кофе ичмаган. Игелстром ўзини совиган қайноқ сув билан даволайди. Бундан ташқари, кунига ўзини 140-150 марта «қоқади». Унинг қоқишу усули куйидагича: полга ялангоёқ туриб олади-да, товони билан сакрайди.

ОТЛАР ИЗЗАТДА

Одамлар хизматда. Голландияда неча йилдирки, «Отлар куни» нишонланади. Шу куни кўчаларда катта байрам бўлиб, отларнинг ёлларига ва думларига ҳар хил рангли ленталар тақилади. Байрам куни отлар ишлатилмайди. Улар иззатда бўлиб, қумуш лаганларда ширинликлар билан сийланади.



Учрашу.

М.НУРИНБОВЕВ фотолаҳзаси

Биласизми?

- Одамнинг сочи секундида 0,000 003 сантиметр ўсади.
- Пиёда киши секундида 1,2 метр йўл босади.
- Яқин масофага югурадиган спортчи 100 метр масофага югураётганда секундида тахминан 9,5 метр йўл босади.
- Емгир томчиси ўртача секундида 11 метр тезлик билан ер томон учadi.
- Қалдирғочлар секундида 60 метр тезлик билан учадилар.
- Ҳавода товуш тезлиги секундида 330 метрни ташкил этади.
- Сувда эса товуш тезлиги бор-йўғи 15 метрни ташкил этаркан.
- Ой Ер қурраси атрофида секундида 1000 метр тезлик билан айланади.
- Ер қуррасининг Куёш атрофида айланиш тезлиги секундида 30 километрdir.
- Одамлар бир минутда 16-20 марта нафас олиб, нафас чиқаришади, сичқонлар эса минутига 200 мартагача нафас олиб, нафас чиқаришаркан.
- Инсоннинг аорта томирида (шоҳтомир) қон секундида 50 километр тезлик билан оқиб туради.
- Жирафалар фақат узун бўйинлари билан эмас, балки узун тиллари билан ҳам машҳурдирлар. Жирафа тилининг узунлиги 65 сантиметргача етади.

63 ЯШАР «НАБИРА»

Яқинда Тбилиси округ суди Иосиф Сталиннинг набираси, тбилислик 63 яшар Евгений Жугашвилининг даъвосини қўриб чиқади. Судда чол ҳақиқатан ҳам «халқлар отаси»нинг набираси эканлигини исботламоқчи.

Гап шундаки, «Сталинчи» халқаро жамиятининг раҳбари Григорий Ониани: «Евгений Жугашвилининг Сталинга ҳеч бир дахлдорлик жойи йўқ, унинг ҳақиқий фамилияси – Рабинович» деб айтган эди.

УЧ АКА-УКА ВА УЧ ОПА-СИНГИЛ

Канзас штатида (АҚШ) яшовчи Сандра Хедрих шанба куни бирийўла 6 фарзанд кўрди. Врачларнинг сўзларига кўра, чақалоқларнинг аҳоли қоникарли. Улардан энг йирингнинг вазни 1 килограмм 700 грамм бўлса, энг кичиги 1 килограмм 100 грамм тош босади.

Дунёда қайд қилинган бирийўла 6 нафар чақалоқ туғилиши ҳоллари 100 тага ҳам етмайди.

Ф.МАМАШАРИПОВ тайёрлади

Судья айбланувчидан сўради:
– Бундан илгари ҳам жиноий жавобгарликка тортилганмисиз?
– Ҳа, бундан ўн йил илгари...
– Оралқ даврда нима билан шуғулланингиз?
– Нима билан бўларди, жаноб судья, турмада ўтирдим.

ганлиги сабабли, у ерда ўтказган 90 кун умумий муддатга қўшиб ҳисобланади.

Бир аёл ярим кечада полиция маҳкамасига кўнғироқ қилди:
– Алло, бу полициями? Ҳозиргина хонамга бир киши ботириб кирди. Кўринишидан сексуал манякка ўхшайди.

Илтимос, эртага эрталаб келиб уни қамоққа олинглар.

Бир хонимни жиноятчи деб гумон қилинаётган шахс билан юзлаштириш учун полиция маҳкамасига таклиф қилишди.

– Хоним, яхшилаб қаранг, тунов куни боғда сизга хужум қилиб, зўрлаган киши шу эмасми?
– Бироз ўхшаб турибди, аммо аниқ эслаёлмаяпман. Ҳар ҳолда, суд эксперименти ўтказсак бўлармиди?
Немис тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси



● ДУНЁ ҚИЗИК

ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ АЁЛ

Америкалик тиббиётчилар Нелли Эндрос исми аёлни «тиббиётда фавқулодда хусусиятга эга одам» деб таърифлашади. Бунга сабаб, Неллиннинг ўртача ҳарорати 39 даражада экан. Шунга қарамай, у ўзини яхши ҳис этади, кўриниши ҳам гўзал. Фақат битта муаммо бор: Неллиннинг ҳарорати баланглигидан унча-мунча эркак унга яқинлаша олмайдди. Шунинг учун бўлса керак, Нелли хоним 4 марта турмушга чиқди. Бизнинг тилгамиз: **Неллихон, бахтли бўлинг, деймиз.**

«Амир Темур тузуклари»дан

Ақлли кишилар ва кенаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни қўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни мажлисима киритиб, суҳбатларидан, ишларидан наф олб, тажриба ҳосил қилардим.

Дуоғуё кишиларни қадрладим. Улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим.

Сармояс қўлидан кетиб қолган савдогарга сармоясини қайта тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Билагда кучи бор фақир-мискилар эса ўз аҳоли ва касбу қорига қараб иш тутсинлар.

Собиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидин ранжимаиди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Алар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқдир.

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимаиди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

Ёмон таом баданга қандай зиён қилса, ёмон халти-ҳаракат ҳам оламга шундай таъсир кўрсатади. Зулмининг ном-нишонини йўқотган.

Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки қориз курси ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райат ўз розилици билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоғдасига мувофиқ ҳирож йиғилсин.

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

Ўғри ва қароқчиларни «Ёсо» асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқчи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу райатга соқчилик қилсин ва қишнинг бирон нараси ўқилганса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси Хива тумани прокуратураси терговчиси О.Худойбергара новга қизи

ИЛМИРАНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фаргона вилоят прокуратураси жамоаси Фурқат тумани прокуратураси

Ҳасан ЭТИЗОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.